

Бир оят тафсири - 5

01:14 / 18.04.2017 4722

Аллоҳ таоло Қуръонда шундай деб марҳамат қилган:

نَوْمًا لِّأَعْلَانِ الْإِنْسَانِ أُولَئِكَ نَفْسَانِ لَّكُلِّ وَاكُلِّ

“Ушбу мисолларни Биз одамлар (ибрат олишлари) учун айтурмиз. (Лекин) уларни фақат олимларгина англагайлар” (Анкабут, 43).

Ким Аллоҳ таолодан бир масални, насиҳатни эшитиб, кейин уни англамаса, у ҳақида ақлини ишга солмаса, у олим эмас. Шунинг учун чивинни кичик санаб, у зарбулмасал қилиб келтиришга арзимади, деган даъво билан Аллоҳ таолонинг **“Аллоҳ чивин, балки ундан ҳам “юқори” нарсалар ҳақида зарбулмасал айтишдан уялмайди”** ояти (Бақара, 26)га эътироз билдирувчи кимсалар олим ҳисобланмайдилар.

Биз уларга айтамикки, сизлар ақлли эмассизлар, бу зарбулмасалнинг нозик жиҳатларини билмайсизлар.

Сизлар **“Эй, инсонлар! (Сизларга) зарбулмасал қилинди. Бас, унга қулоқ тутингиз! Аниқки, сизлар Аллоҳни қўйиб, сиғинаётган нарсаларингизнинг барчаси бирлашганда ҳам, бир пашшани ярата олмаслар”** оятини ўқинглар! Ушбу оятнинг давоми бўлган **“Агар пашша улардан бирор нарсани тортиб олса, уни ундан айириб ололмаслар...”**ни ўқинглар!

Яратиш масаласини қўйиб тур! Ҳаётимизда кўп содир бўладиган нарсага эътиборингни қарат! Агар бир пашша таоминга тушса ва ўша таомдан озгина олса, еса, ичса, сен, ҳар қанча куч-қувватли бўлсанг ҳам, ўша олган нарсасини ундан қайтариб олишга кучинг етадими?!

Демак, пашша сизлар гумон қилганингиздек, кичик, арзимас нарса эмас экан! Балки, ундан-да кичикроқ бўлган микроб, бактериялар ва бошқа инсон кўзи билан бевосита кўролмайдиган нарсалар ҳам Аллоҳнинг яратган нарсалари бўлиб, уларда Унинг қудратига далолат қиладиган кўплаб сирлар бордир.

Юқоридаги оятни яна кўриб чиқсак: **“Аллоҳ чивин, балки ундан ҳам “юқори” нарсалар ҳақида зарбулмасал айтишдан уялмайди”**

(Бақара, 26).

Яъни, ундан ҳам кичик нарсалар ҳақида зарбулмасал айтишдан уялмайди.

Чивин ҳақида ўйлаб кўришинг мумкин. Унинг ҳажми пашшанинг ҳажмидан кичикроқ. Чивинда ғилоф ичидан чиқариб, қонни сўрадиган нозик хартум (тумшук, игна) борлигига нима дейсан?! Сен баданингдан ўша миқдордаги қонни қийинчилик билан, оғриқ билан олиб турган бир пайтда чивин бу ишни осонлик билан бажараётганига нима дейсан?!

Кўзинг билан бевосита кўролмайдиган микроб бирор жисмга кириб, уни касалланишига сабаб бўлишига нима дейсан?! Бу касаллик ўша кимсани ўлимга олиб бориши ҳам мумкин.

Демак, сенинг наздингда арзимас, ҳақир, кичик бўлиб кўринган бу махлуқотларда ибратлар ва Аллоҳнинг борлигига, бирлигига, қудратига далолат қиладиган белгилар, аломатлар бор экан. Лекин бу ибратларни, аломатларни фақатгина олимлар англай оладилар.

Бу махлуқотлардаги белгилар ва сирларни кўпинча Аллоҳга иймон келтирмаганлар кашф қилмоқдалар. Уларнинг орасида бу кашфиётлардан кейин ақлини ишлатиб, иймон келтирганлари ҳам бор. Мазкур кашфиётдан кейин Аллоҳга дарҳол иймон келтириши керак бўлгани ҳолда, ақлини ишлатмай, иймон келтирмай, ўзининг куфрида санғиб юрганлар ҳам бор.

Асарда шундай гап келган: “Ҳақиқий олим – уни яратган Зотни ва нима учун яратганини биладиган кишидир”.

Шайх Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий раҳимаҳуллоҳнинг тафсиридан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси